

**Апелляция инстанцияси суди Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси талабларига риоя этмаганлиги сабабли суд қарори бекор қилинди.**

Жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман судининг 2014 йил 23 январдаги ҳукмига асосан, М. Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" банди, 209-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 2013 йил 12 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 11 мартдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, М. Жиноят кодексининг 65-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. туман Халқ таълими бўлимига қарашли мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, 2012 йил август ойидан 2013 йил май ойига қадар 48 ҳолатда ҳисоботларда мактаб ўқитувчиларининг паст даражада бўлган малака тоифаларини юқори тоифада эканлигини кўрсатиб, расмий ҳужжатларини сохталаштириб, туман халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига тақдим этиб, жами 4.641.462 сўмлик ортиқча иш ҳақлари тўланиб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда айбдор деб топилган.

Жиноят кодексининг 65-моддаси 1-қисмида ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Жиноят процесуал кодексининг 84-моддаси 5-қисми 1-бандида ишни тергов қилиш ёки судда кўриш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик

хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса, жиноят иши шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши назарда тутилган.

Апелляция инстанцияси ишни кўриш чоғида М.нинг муқаддам судланмаганлиги, етказилган моддий зарарнинг миқдори ҳамда зарарнинг тўлиқ қопланганлигини инобатга олган бўлса-да, бироқ қайд этилган процессуал қонун талабларига риоя қилмай, М.нинг розилигини олмасдан туриб, ишни тугатиш ҳақида барвақт хулосага келиб, хатоликка йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 4 сентябрдаги ажрими билан М.га нисбатан чиқарилган апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

***Назорат иши № 5-140-14***

